

К П С С
ХХVII
СЪЕЗДИ
ҚАРОПЛАРИ—
ҲАЁТГА!



ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН • № 51 (9287). • 1988 йил 15 март • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

МАЪМУРЛИК БУНЁДКОРЛАРИ АНЖУМАНИ

14 март куни Тошкентда республика агросаноат комплекси ходимларининг кенгаши — қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда ишлаб чиқариш илғорлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, агросаноат комитетлари ва бирлашмаларининг мутахассислари, олимлар, партия ва совет ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашди.

Кенгаши Ўзбекистон ССР Колхозлар кенгашининг раиси, Наманган районидagi «Ленинград» колхозининг раиси Х. Мамажонов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов қайта қуриш шаронтида хўжалик механизмини такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг иқтисодий методларини жорий этиш асосида пахта ва бошқа маҳсулотлар этиштиришни кўпайтириш соҳасида республика агросаноат комплекси ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама этишда Ленин районидagi «Социализм» колхозининг раиси Т. Сиддиқов,

Пахтакор районидagi «Оқбулоқ» совхозининг сут соғувчиси Е. Б. Васильковская, Олот район агросаноат бирлашмасининг раиси С. Бобоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, республика Агросаноат давлат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Сирдарё районидagi «Коммунизм» колхози сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи А. Ф. Ким, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. В. Муҳаммаджонов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Д. С. Едгоров, Нишон районидagi Усмон Юсупов номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи С. Холбоев, Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси П. Ф. Саулкин, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий тадқиқот институтининг директори С. Н. Усмонов, Қонимех районидagi «Шофиркон» совхозининг бош чўпони Н. Бердиев, Самарқанд районидagi «Москва» колхозининг раиси Т. Норбоев, Сурхондарё область агросаноат комитетининг раиси

Ҳ. Шарафутдинов, «Ташсельмаш» заводининг директори В. Д. Карлов қатнашди.

Қурултойда республика агросаноат комплексининг барча ходимларига мурожаатнома қабул қилинди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Т. А. Алимов, В. П. Анишев, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ҳ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Қ. Саликов, М. Ҳ. Холмухамедов, Ҳ. Алимова, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдулов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари Т. А. Ешимбетова, А. П. Романовский, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари И. Искандаров, Қ. Ҳ. Маҳмадалиев, В. В. Сударенков, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎЗАТГ).

АҲОЛИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТГА, САНОАТНИНГ ХОМ АШЁГА ТАЛАБЛАРИНИ ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРАЙЛИК

Республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойида Ўзбекистон
Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. НИШОНОВ доклади

Қадрли ўртоқлар!
Қишлоқ меҳнаткашларининг азиз вакиллари!
Агросаноат комплексининг хўжалик ходимлари!
Хоним биз билан сиз 1985 йилнинг апрелида бошланган бутун жамятини қайта қуриш ва ҳаётини батамом янгилаш жараёнининг учинчи баҳорини кутиб олмақдамиз. Ўтган қисқа вақт жонажон партияимиз, ленинчи Марказий Комитет, унинг Сийёсий бюроси коллектив ақл-заковатининг ўткирлигини, улар белгиллаган йўлнинг одиллигини, оқиллигини ва тўғрилигини, донишмандларча сиёсатининг ҳаққончилигини яққол кўрсатди. Беловен Ватанимиздаги барча қардошлар қатори Ўзбек халқи, республикамизда ишлаб меҳнат қилаётган юздан зиёд миллатлар ҳамда элатларнинг фарзандлари эркин нафас олиш, эркин фикр юритиш, эркин ишлаш, социалистик демократия неъматларидан, ошқоралик имкониятларидан тўла-тўқис баҳраманд бўлмоқдалар. Биз занглаб кетган, чирши даражасига етган турғунлик даври иллатлари ва сарқитларидан қутулдик, уларнинг янги-ярим қондиқларини ҳам дадил кўпориб ташламоқда. Янгича қараш, янгича фикрлаш, янгича ишлаш, янгича ижод қилишнинг дастлабки самаралари кўзга ташланиб турибди. Бу ижобий ўзгаришлар ҳаммасини, ҳар биримизни қувонтирмоқда, улкан режалар ижросига руҳлантирмоқда, порлоқ ис-

тиқбол сари бошламоқда. Биз камчиликларимизни, нуқсонларимизни ҳам кўриб-билиб, ҳис этиб турибмиз ва уларни бартараф қилиш чораларини белгиламоқдамиз.

Бугун биз доҳиймиз В. И. Ленин номидаги мана шу кўркем Халқлар дўстлиги саройида ўзинимизнинг анъанавий маслаҳатлашув йигинимизга зўр умид, қомил ишонч, яхши ният билан тўпландик. Халқимиз бунинг бир вақтлар чиройли қилиб қурултой деб атаган ва биз ҳам шундай деб атасак арийди.

Мақсад битта: ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили, жумладан 1987 йил якунларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш, тўпланган дастлабки тажрибаларга баҳо бериш, бажарилмай қолган ишларимиз, етишмовчиликларимизни аниқлаш, хатоларни тузатиш йўллариини излаб топиш ва жорий йил планларини, тошпириқларини бажариш тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь, июнь, октябрь, 1988 йил февраль пленумлари, Михаил Сергеевич Горбачев докладлари ва нутқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми талаблари асосида қараб чиқишлиш керак.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати аҳолини хилма-хил, аъло сифатли, тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, саноят-

билан астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Бундай иштиш, бундай кайфият бизни қувонтиради, албатта.

Бироқ, ҳурматли ўртоқлар, агросаноат тармоқларида ечимини қутаётган муаммолар қалашиб ётибди. Улар бири биридан муҳим, бири биридан ўткир, бири биридан мураккаб. Лекин асосий вазифа халқ хўжалигининг аниқ шунга йирик комплекси тараққиётида барқарорликка эришиш, давлат томонидан ажратилаётган жуда катта маблағлардан тўла-тўқис, яхшироқ, шунинг кўзини билиб фойдаланиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларини кескин қисқартиришдан иборат. Сугорилмаган майдонлардан, бутун ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишда бефарқликка, эътиборсизликка, ҳужасизликка олиб келадиган жамик

ПАХТАКОРЛИК ШАРАФЛИ КАСБ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

Авалло пахтачилик ҳақида фикр юртасак. Сизларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг бюроси номидан шунинг қомил ишонч билан маълум қиламанки, пахтакорлик ўзбек деҳқонининг шавкатли касби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолди. Пахта республикакамизнинг асосий хазинаси, мамлакатимиздаги қардош халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлигининг мустаҳкам риштаси, Ватанимиз бойли-

гини, куч-қудратини, мулоффа қобилиятини ошириш манбаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолди. Пахтаимизга, пахтакоримиз шавкатига бир тўда муштаҳамлар, пораҳўрлар, шухратиарастрлар, маънавий-ахлоқий нопок шахслар томонидан туширилган доғ ювилади, ювилмоқда ва батамом ювиб ташланади. Ўзбек деҳқонининг юзига ерга қаратган, қоматини ҳам қилган, рўзғори баранасини

М. С. ГОРБАЧЕВ БЕЛГРАДГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ЮСФР Президиуми ва ЮСР Марказий Комитети Президиумининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 14 март куни Москвадан Белградга жўнаб кетди.

Внуково аэродромида М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзолари В. И. Воронников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари О. Д. Вахланов, А. П. Бирюнов, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов ва бошқа ўртоқлар қутубиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ЮСФРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Д. Лазич бор эди.

БЕЛГРАД, 14 март. (ТАСС махсус мухбирлари). М. С. Горбачевнинг ЮСФР раҳбарлари билан бўлажак мулоқотидан қувонилган маъсад — социализм қурилишидаги таърибани ўртоқлаш, иккала халқнинг ижоди билан бунёдга келадиган барча янги, қимматли йўтуқларини умумлаштириш, тинчлик ва ҳалқаро ҳамфасиллик учун бирликлдаги кураш вазифалари мамлакат аҳолисининг гоят кенг табақаларида жонли, астойдил қизқириш уйғотди.

Меҳнат коллективлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан мулоқотда бўлишни қутиштипти, албатта: бу ердagилар Прага ёни Мурманскда, Таллин ёни Берлинда, София ёни Москвада бўлмасин, ишчилар билан муфассал ва рўй-рост суҳбатларга у алоҳида аҳамият беришини яхши биладилар.

М. С. Горбачевнинг ЮСФР Президиуми ва Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президиумининг таклифига биноан расмий дўстлик визити — мамлакат газеталарининг, телевидение кўрсатувлари ва радиосинтиришларининг асосий мавзуси бўлиб қолди. Совет китоблари, расмочилиги, графикаси, ТАСС фотоси комплекс виставкаси, бошқа экспозициялар, совет фильмлари икки мамлакат ҳаётидаги шонли воқеага бағишланган. М. С. Горбачевнинг куни-кеча магазини пештахталарида пайдо бўлган серб-хорват тилидаги «Қайта қуриш ва мамлакатимизга ҳамда бутун дунёга хос янгича фикрлаш» китоби, унинг мақолалари ва нутқлари тўлаи бу ерда гоят манзур бўлмоқда.

Маҳаллий вақт билан соат 13.00. Белград аэропортида СССР ва ЮСФРнинг давлат байроқлари кўтарилган. Фахрий қоровул гвардиячилари бир текис саф тортиб туришбди. Уччи катта агентликлар, газета ва журналлар, телевизион ва радиокомпанияларнинг кўндан-кўн журналистлари бор эди.

«ИЛ-62» совет авиалайнери тантанали кутиб олиш маросими ўтказилган жойга келиб тўхтади.

Самолёт зинапоёси олдида М. С. Горбачевни ва унинг рафиқасини ЮСФР Президиумининг Раиси Л. Мойсов рафиқаси билан, ЮСР Марказий Комитети Президиумининг раиси Б. Крунич рафиқаси билан самимий табриқлайдилар.

Аэродром узра артиллерия салютининг кўп қарра гулдуроси янграйди.

Ҳарбий оркестр СССР ва ЮСФРнинг Давлат гимнларини ижро этди. Тантанали кутиб олиш маросими охирида фахрий қоровул — Югославия халқ армияси гвардиясининг батальони шахдам қадам ташлаб ўтди.

Оқ саройда М. С. Горбачев Л. Мойсов ва Б. Крунич билан қисқача суҳбатлашди.

А. БЕЛИКОВ,
А. КОНДРАШОВ,
В. КУЗНЕЦОВ,
Г. ШИШКИН.

ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИГА— МУСТАҲКАМ БАЗА

12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда Ўзбекистон қурилиш комплексини тубдан яхшилаш, ресурсларни тежайдиган технологияни тевроқ жорий этишга оид доллар вазифаларо кўриб чиқилди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари ва область ижроия комитетлари раислари ўринбосари, Иттифок ва республика министрилари ҳамда идораларининг маъсул ходимлари, тармоқдаги катта корхоналар ва бирлашмалар раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари қатнашди.

Кенгаши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов кириш нутқи сўзлаб очди. У КПСС Марказий Комитети капитал қурилишнинг материал ресурслар билан таъминлашда юз берган аҳволдан жиддий ташвишланиётганини таъкидлади. Металл, цемент, ёғоч-тахта, линолеум, санитария-техника, ускуналар, бошқа материаллар жуда етишмаётган бир пайтда уларни ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришда, шу жумладан Ўзбекистон ССРда ҳам жиддий қолиқликка йўл қўйилди.

1989 йил плани лойиҳасида Ўзбекистонда қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 15 процент кўпайтириш кўзда тутилаётган бўлса-да, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришнинг 5,5 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Жойларда тайёргайёрили қилинаётганига, ўз қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида жон қуйдирилмаётганига тоқат қилиб бўлмади. Ҳолбуки, ўз ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш юзасидан сира кечиктирмай чора-тадбирларни кўриш — жадаллаштиришнинг бирдан-бир реал йўлидир. Шу билан бир вақтда ресурсларни тежайш программасига, лойиҳаларини материал сарфини камайтиришни мўлжаллаб қайта кўриб чиқишга мумкин қадар кўпроқ эътибор бериш керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. Ҳ. Маҳмадалиев кенгашда ахборот берди. Муҳокамада Ўзбекистон ССР қурилиш ва соҳа-техника министри Н. А. Аббосов, Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноят-иштининг Г. Г. Исоев, республика Гостройнинг раиси Ш. У. Ҳайдарова иштирок этдилар.

Сўзга чиққан кишилар республикадаги мавжуд бой хом ашё базасидан, ушбу база неғизда ривожлантирилган бинокорлик материаллари саноятдан хали самарали фойдаланилмаётганини таъкидлайдилар. Қурилиш тармоғидаги қўшнча корхоналар қувватидан тўла фойдаланиш кўпайтириш. Ҳолбуки, ишлаб чиқаришнинг таъминотидаги имкониятларни кўп, бу соҳада тўпланган таъриб ҳам етарли. Республика қурилиш министрликлари ва идоралари беш йиллик бошидан буйи қўллаб қор металллар, прокат, цемент, ёғоч-тахта ва бошқа ресурсларни тежайш қолдирилди. Ташки деворларнинг совуқ ўтказмайдиган тежайш уч қатламли панелларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ирригацияда металл қувурлар ўрнига пластмасса қувурлар кенг қўлланилмоқда. Бетон ишлаб чиқаришда пластикаторлардан фойдаланиш янада ривожланди.

Ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражасининг пастлиги, планлаштириш ва бошқаришнинг мукамал эмаслиги сабабли материаллар ва конструкциялар етишмаб беришдаги тез-тез узиллишлар республикада қурилиш комплекси ишига асосий тўғаноқ бўлаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди. Чунотчи,

(Давоми 3-бетда).



СУРАТДА: қурултой қатнашчиларидан бир гuruh.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

Бутуниттифоқ иxtирочилар ва рационализаторлар жамяти республика кенгашининг пленуми

Тошкентда Бутуниттифоқ иxtирочилар ва рационализаторлар жамяти Ўзбекистон республика кенгашининг ташкилий пленуми бўлди. Т. А. Алимов Бутуниттифоқ иxtирочилар ва рационализаторлар жамяти республика кенгашининг раиси этиб сайланди.

(ЎЗАТГ).

АХОЛИНИНГ ОЗИК-ОВКАТГА, САНОАТНИНГ ХОМ АШЁГА ТАЛАБЛАРИНИ ТЎЛАРОҚ КОНДИРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

Ўтган йил янвурларини тахлил этаялик. Гоят қийин шароит кимнинг нимага қодирлигини кўрсатди. Тадбиркор ва ишбилармон ҳам, уқувсиз ва ишбилармон ҳам суянинг бетига қалқиб чиқиб қолди. Мана, қаранг: 218 колхоз, 156 совхоз, 9,424 бригада пахта тайёрлаш планини ошириб-тошириб бажарди. Илгирларнинг номларини факрланиб тилга оламиз. Хонқа ва Гурлан районларининг азаматлари ҳар гектардан мутаносиб равишда 33 ва 30 центнердан, Шўрчи райони 34,5. Чиноз салкам 32, Олоғ, Ўзбекистон, Қува районлари қарийб 30, Мирзачўл 27,5 центнердан ҳосил етиштиришди. Энди пешадам хўжаликлар билан таъиниш. Амударё районидagi Жиданов номи, Ленин районидagi «Прада Востока», Ўзбекистондаги Энгельс номи, Косондaги Ленин номи, Қизилтепадаги «Ленинград», Тўрақўрғондаги Қалинин номи, Пахтачидаги Карл Маркс номи, Шўрчидаги Киров номи, Ўрта Чирчиқдаги Охунбобоев номи, Ленинград районидagi Энгельс номи, Гурландаги «Коммунизм», Хонқадаги «Октябрь» 40 йиллик колхозлари, Тўртқўл районидagi «Ленинизм», Мирзачўл районидagi «Ўзбекистон», Қарши районидagi «Партия XXII съезда», Жомбой районидagi «Жомбой», Деновдаги «Хазорбег», Ўзбекистон районидagi «Комсомол» совхозлари маррани дадил ағдаришди. Шу йилда бир нарсаси эътибор қилинган: пахтачиликда қолоқ Самарқанд облатининг энг қолоқ Жомбой районидagi илгари ўткетган қолоқ совхозларини «Жомбой» совхозига аъло кўрсаткичга ериштирилган, бошқа хўжаликлар қолоқлигига қилинган тасоддирий эмас. Партия комитетлари, РАПОлар, мабуотиюни бундай қолоқлик сир-синоатини ўргансалар, тартиб этсалар, кент йисалар яхши бўларди. Бизга ҳозир шундай йўл тутиш ниҳоятда зарур. Бугун биз пахтачиликнинг пешадамларига, жонқурларига, моҳир деҳқонларга, ажойиб тажрибачиларга ташаккур изҳор этамиз ва уларнинг сафни тезроқ кенгайтириш, деймиз. Вир вақтлар «Илгирлар кўпайсин, қолоқлар қолмасин» деган ҳалқ қўшиғи бўларди. Эндиликда ана шу сўзлар жанговар шорга айланишсин истардик.

Афсуски, ўртоқлар, қолоқлар саясида нима кўп — қолоқлар кўп. Шуларнинг қасри билан беш йилликнинг икки йилида давлатга 1,5 миллион тоннадан зиёд пахта кам топирилди. Энг катта қарзорлар: Қашкадарё облати 400 минг, Самарқанд 246 минг, Андижон 221 минг тонна хом ашёни етказиб беришмади. Изобкан, Жиззах, Шахрисабз, Оқдарё, Иштихон районлари сурункасига икки йилдан буён пахта сотиш планларини бажармай келишди.

Ўтган йили 106 район, 911 колхоз ва совхоз маррага етмади. Республика бўйича ҳар гектардан олинган ҳосил бор-йўғи 23 центнер бўлди. Майдонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғида ҳосилдорлик гектар бошига 15—20 центнер ўртасида қолди. Энг кам ҳосил олганлар қаторига Хатирчи, Когон, Вольшевик, Комсомоловод, Навоий, Муборак, Қораўзақ, Зарбдор, Усмон Юсупов, Ваҳористон районларини қиритиш мумкин. Бу ва бошқа жойларда, асарият хўжаликларда, биласизми, айтишга тил ҳам бормайди — бир туяга юк бўладиган миқдорда, яъни 8—13 центнер пахта етиштирилди. Орияти бўлган одам буни ерининг умрини беҳуда ўтказиш, сувни беқорга оқизиш, ўғитни ҳавога совириш, техникани марсадсиз юргизиш, маблагни кўчага ташлаш деб баҳоларди. Шунга қарамадан район партия комитетла-

ри хотиржам, райжирокомлар хотиржам, РАПОлар хотиржам, раис. директор, партком секретари хотиржам. Гўё фавқуллодда ҳолат содир бўлмагандай, ўпирилишга тушиб қолмагандай сезишди ўзларини. Йўқ, биродарлар, бунақаси ярамайди. Энди хотиржамлик, беғамлик кетмайди, бу ҳоллар қайта қуриш табиғатга тўғри келмайди. Бизда алмашмаган раҳбар қолмади, ҳадеб алмаштириш, ростга гап жонга ҳам тегди. Лекин барибир шундай қилишга мажбурмиз, шекилли. Ё жон қуйдириб ишлаш, ёки ўзини ишлайдиганларга бўшатиб қўйиш керак. Бошқа илож йўқ.

Хўш, пахтачиликда турғулик рўй берганининг сабаби нимада? Ҳамма иллат шундаки, бу тармоқ кейинги йилларда нуқул экстенсив тарзда, яъни миқдор орқасидан қувиш йўлидан бориб. Алмашлаб экишга экин етказиш, озуқабот экинлар, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлар етиштириладиган ерлар ҳисобига чигит экиладиган майдонлар кенгайтирилмаверди. Бу эса тупроқнинг дармони қуришига, биогаз экинлар ҳосилдорлигини пасайишига, чорвачиликнинг ривожланишига, чорвачиликнинг ривожланишига негизчи бўлиб қолган озуқа базасининг баракаси қутишга олиб келди.

Ана шундай қийин шароитда КПСС Марказий Комитети республикамизга нисбатан оталарга раҳмқўрлик кўрсатди — Ўзбекистонда пахтачиликнинг ҳолати ҳақидаги масалани кўриб чиқди ва жорий йилдан эътиборан пахта етиштириш ҳажми 500 минг тоннага камайтирилди. Шу тариқа пахтакор хўжаликлар тармоқ ишларини илмий асосда юритиш, алмашлаб экишни жорий этиш, ерининг умумдорлигини ошириш, шу йўл билан ҳосилдорлигини юксалтириш, планни сўзсиз бажариш имкониятига эга бўлиларди.

Пахтачилик тарихида биринчи марта 1988 йилда чигит экиладиган майдонлар ҳажми пастанд туриб, облатларнинг тақдирларига биноан белгиланди ва ўтган йилдан 137 минг гектар қисқартирилди. Очинини айтиш керакики, бундай қатъий бўрилиш, экин қилиниш бўзиш осон тўшмади. Қатор хўжаликларнинг раҳбарлари планлаштиришдаги мустақилликнинг моҳиятига тушуниб етмаётганлар, бошқа экинлар ҳисобига чигит экиладиган майдонларни кенгайтиришга интилоққодалар. Шу тариқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш программаси ижросини хавф остида қолдирмоқдалар. Бундай қилмаганлар, ўртоқлар, биз бунга қарийб йўл қўймаймиз. Фойда ўринга экин қуришни кимга кераги бор, ахир!

Ҳозир республикада деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқларини комплекс юксалтириш учун ҳамма имконият мавжуд. Бунинг учун чуқур тахлил, жиддий ёндашув, юксак масъулият, ишнинг қўзғилиш билан тўла этилади.

Шу муносабат билан пахтачиликни жадал ривожлантиришнинг биринчи галдаги асосий вазифалари ҳусусида батафсил тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, Биз илгари алмашлаб экиш ҳақида кўп гапирардик, унинг ўзлаштирилиши юзасидан ҳисоботлар бериардик, процентларни бўрттириб кўрсатишга уринардик. Амалда эса алмашлаб экишни ўзи йўқ эди.

Эндиликда шунчаки алмашлаб экиш тўғрисида эмас, пахта-беда алмашлаб экиш, бедапошлари албатта бўлган алмашлаб экишнинг барча майдонларда сўзсиз жорий қилиш ҳақида гап бормоқда. Бунинг учун тўла бериш, бунинг ҳар иккала қўлоқ билан эшитиб оилиш ва ижро қилиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми қарорига биноан

демак, олға силжиш, ўсиш сезилмапти. Бошқа меҳнатчилар ҳам ёмон фойдаланилмоқда. Хўжалик ҳисобига, коллектив пудратта ўтти шароитида бунга йўл қўйиб бўлмайди. Механизациялаш даражасини ошириш сарф-харажатларни камайтиришнинг, меҳнат умумдорлигини оширишнинг, хўжасизликка, талон-торожликка барҳам беришнинг асосий омилдир. Шу ўринда пахтачилик учун такомиллашган машиналар туркумини, айниқса терим техникаси комплексини яратиб беришнинг илмий муассасалар фаолияти ҳам таъинд ва таъбеҳга лойиқ эканлигини алоҳида таъкидлашимиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг йўли аниқ ва ўзгармасдир: демак бутун оғирлики машиналар зиммасига юксалтириш туриб пахтачиликни янада ривожлантириш мумкин эмас. Шундай экан, 1988 йилда ҳосилнинг камида 60 процентини зангори кемаларда йиғиб олишни катта ишнинг бошланиши деб тушуноқ керак.

Тўртинчидан, минерал ўғитлар ва ҳосилини ҳимоя қилишда ишлатиладиган дозирлар ҳақида алоҳида

тўхталиб ўтмоқчиман. Бу воситаларнинг ишлатиш нормаси йил сайин қўйилмоқда, сифати ошмоқда, лекин уларнинг самарадорлиги пайсамоқда. Кейинги уч йилда республикада бир килограмм озуқа моддалари ҳисобига атиги 2,2 килограмм пахта олиндики, бу нормативда кўзда тутилганидан 30 процент кам. Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Навоий областлари ва Қорақалпоғистон АССРда эса ана шу кўрсаткич бундан кам озорки, яъни 1,2—1,6 килограммини ташкил этди.

Бундай аҳвол нима сабабдан рўй бермоқда, деган савол туғилди. Иллат шундаки, ўғитларни ишлатишда, очинини айтсан, саводсизликка йўл қўйилмоқда, уларнинг ўзаро таъсири, ерининг талаби ҳисобга олинмапти. Ўғит таъсиротида, уни сақлашда, ерга солиш учун тайёрлашда тартибсизлик ҳукм сурмоқда. Шунга қарамадан хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, Ўзбекистон ССР Аграрноат давлат комитети, унинг жойлардаги ташкилотлари химиялаш пунктларини ташкил этиш, умумдорлик отрядлари тузишда интизомсизлик қилмоқдалар. Бу ишларни ҳар бир колхоз ва совхозда йўлга қўймасдан, ўғитлардан

фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатмасдан туриб далалар умумдорлигини ошириб бўлмайди.

Маҳаллий ўғитнинг ҳосили деҳқонга маълум. Ота-боболаримиз нури борми, қий борми, паранда чиқиндисини борми, чиринди борми, эски девор кесаги борми, ариқ-зовурлардан чиққан лойқа борми, хуллас, фойдала ҳамма нарсани қишини-ёзини тўплаб, тайёрлаб, ҳозирги тил билан айтганда компост қилиб ерга солишган. Ана шундан кейин пахтачининг, донининг, сабзавотнинг, қовун-тарвузнинг, бошқа неъматларнинг қайнаб чиқилиши кўриниб. Кеҳира-сизлар, ўртоқлар, бугунги деҳқон ўша захматқаш, меҳнатқаш, дошиманд авлоднинг ворислари эмасми? Нега энди гўнг деган ҳазина оёқ остида ётади-ю, уни бир йилгитириб олмайдиган Меҳрибанди орқиб ишлатилган минерал ўғит ерининг қучини, дармонини кетказиш, уни хароб қилади, лекин нурини қанча солманг, фойдала шунча катта, у тупроқни тозалайди, даволайди, бойити, қўлчилади, яшартирилади, чиройини очади. Мен сизлардан илтимос қиламан, келинг, шу ишда кескин бўрилиш ясайлик, навоаблаб

нури беришни амалда жорий этаялик.

Сўнгги йилларда ҳосилини ҳимоя этишнинг биологик, агротехник, табиилаштирилган усулларини қўлланиб сезиларли бўшашиб кетди. Олимларнинг илгари қарши кураш соҳасидаги ишлари самара бермапти, бунинг оқибатида ҳар йили 300—350 минг тонна пахтадан маҳрум бўлмоқдамиз. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва республика Фанлар академияси бу соҳадаги тадқиқотларни кенгайтиришлари, чуқурлаштиришлари, амалий тавсиялар билан деҳқонга яқинлаштиришлари керак. Ишлаб чиқариш илм ахлидан янги, янада таъсирчан гербицидлар, захарсиз дефолиантлар яратилишини кутмоқдамиз.

Хуллас, пахтачиликда жуда кўп иш қилмоғимиз, тармоқни ўпирилишдан олиб чиқмоғимиз, бу йил 5 миллион 250 минг тонна оқ олин етиштиришни виждоний ишамиз, интернационал бурчимиз деб ҳисобламоғимиз зарур. Бизда ҳар йили пландан ташқари 100—150 минг тонна пахта олишнинг реал имконияти бор. Ана шу йўлда сизларга, ҳамма пахтакорларга куч-қувват, ғайрат-шижоат ва омад тилаймиз.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИКНИНГ МУҲИМ МАНБАЛАРИ

Дон етиштиришни кўпайтириш энг ҳаётий, энг долзарб вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Лекин галачиликдаги шўҳрат ҳам бий бўлиб қўйилди. Деҳқончилик маданияти пастлашиб кетгани, галлазорлар парваршии технологияси бузилаётгани ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилнинг кескин камайтиришга олиб келди. Масалан, 1986 йилда пландагига нисбатан фақат 72 процент, 1987 йилда эса 91 процент дон йиғиштирилди.

Энди аҳволни кескин туза тиш керак. Жорий йилда 1 миллион 700 минг тоннадан зиёд, 1990 йилга бориб эса 2 миллион тонна дон етиштириш зарур. Бунинг асосий йўли умуман ҳамма жойда, лекин асосан баҳориюкор ерларда ҳосилдорлигини оширишдир. Ҳозирги пайтда лалмимор майдонлардан жуда ёмон фойдаланилмоқда, уларда ҳосилдорлик пастлашга аҳволдан чиқиш учун аввало тоза шудгорли алмашлаб экишга ўтиш, деҳқончиликда прогрессив усулларни ички қўлланниш лозим. Галлазордаги лалмимор деҳқончилик илмий тадқиқот институти раҳбарларини ҳам ишга қаршири керакка ўхшайди: олим деган номи бўлган, ишлаш, ҳаётда иш қолдириш, янгилик яратиш керак, ахир!

Сугорилдиган майдонларда ҳам аҳвол яхши эмас: ҳар гектардан 40—50 центнер ўринга 20—25 центнерга етар-етмас арпа ва бугдой олинмоқда. Макнажўхори до ни ҳосилдорлиги ҳақида гапирганда, ростини айтсан, уялиб кетасан киши. Бу масала партия Марказий Комитети пленумларида, марказий матбуотда республикамиз жиддий таъкидга узради. Аммо барибир 1987 йилда ҳар гектардан олинган макнажўхори до ни 34 центнердан ошмади, бирорта ҳам облат ва ҳосилдорлик, на ялпи ҳосил, на дон тайёрлаш планини бажаролмади.

Бундай қолоқлигини сабаби битта: қўлпана раҳбарлар ва мутахассислар сугорилдиган майдонлардан фойдаланишга масъулиятсизларча қарамқодалар, донли экинларга мелиоратив жихатдан нуқулай, сув таъминоти ёмон ерларни акциялаштириш, агротехниканинг энг оддий қондалари бузилоқда, уруғчилик ишлари издан чиққан.

Шоличиликдаги аҳвол ҳам оғирлигига қолмоқда. Ҳосил етиштириш планлари муттасил бажарилмапти. Шоликор совхозларда технология интизоми, айниқса экиш ва ўриб-йиғиб олиш муддатлари кўпол равишда бузилмоқда. Шоликорларни моддий рағбатлантириш, ҳисоб-китоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, Совхозлар маъмуриятлари билан деҳқонлар

зараркуналларга қарши кураш олиб борилмапти. Реконструкция ишлари суръати талаб даражасида эмас.

Хўжаликларда тайёрланадиган мева-сабзавотнинг 30 процентини белгиланган нархларда сотиш, шу йўл билан шаҳарликлар таъминотини яхшилаш имконияти ларида ёмон фойдаланилмоқда. Фирма магазинлари сони ҳам ҳали кам. Яқинда газетада Тошкент районидagi Карл Маркс номи колхоз раиси Рустам Аббасовнинг қизқич қармоқлари босилди. Унда ана шу масаладаги тартибсизликлар, қийинчиликлар, сунъий тўсиқлар ҳақида жиддий фикр юритилган. Ўзбекистон ССР Аграрноат давлат комитети, халқ депутатлари Тошкент облати Совети ижроия комитети ана шу масалада ўртага қўйилган муаммоларни ҳал этсалар яхши бўларди.

Бу йил бизнинг олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Ҳар гектардан олиннадиган қармоққа ҳосилини 150 центнерга, сабзавотни 250—280 центнерга, полиз маҳсулотларини 150 центнерга, мевани 70—80 центнерга, узумни камида 100 центнерга етказиш керак. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленумининг топириги бўлиб, уни бажариш шарт.

Сабаботчилик ҳақида сўз юритилар экан, облатлар ва районлар раҳбарларининг эътиборини тармоқда икти-сослаштириш ва концепциялашнинг янада чуқурлаштириш, махсус хўжаликлар тармоғини кенгайтириш зарурлигига қаратмоқчимиз. Бундай колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга маҳсулот сақлашдан, қайта ишлангандан қувватларни ҳам вужудга келтириш қондага айлалмоғи керак. Пахтакор хўжаликларда сабзавот ички эҳтиёж учун етиштирилмоғи, жуда зарур бўлса бирорта бригада сабзавотчиликка икти-сослаштирилмоғи керак. Умуман, ўртоқлар, қўйидаги тартибни албатта йўлга қўйиш талаб этилади: пахта-беда алмашлаб экиш ҳамма жойда изга солиниши, демак пахтакор хўжаликда етакчи тармоқ пахтачилик бўлиб қолсин, алмашлаб экиш планига киритилган учун ана шу хўжаликда дон ҳам етиштирилиши, тутлар борлиги сабабли пилла қурти ҳам қолсин, алмашлаб экиш майдонларида беда, силосбот экинлар ўстирилиши муносабати билан сутчилик ҳам йўлга қўйилсин, маълум миқдорда боғлар, тоқзорлар бўлса шунга яраша мева, узум тайёрлансин. Булардан бошқа маҳсулотлар, айниқса сабзавот, қовун-тарвуз, узум, гўшт икти-сослаштирилган хўжаликларда етиштирилиши зарур.



СУРАТДА: аниқуман иштирокчилари. Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

ЗАРБДОР ТАРМОҚНИ ҚОЛОҚЛИКДАН ТЕЗРОҚ ЧИҚАРАЙЛИК

Ўртоқлар! Пахтакорлик билан ёнма-ён турган қадимий касбиимиз — чорвачиликка меҳр-муҳаббат, алоҳида диққат-эътибор бугунги кунда аниқсиз катта аҳамиятга эга. Тармоққа худди шу нуқтан назардан қараганда ўрғана бошлаганимиз учун ҳам кейинги пайтларда бирмунча ажойиб ўзгариш рўй берди. 1985 йилдагига нисбатан сут ва гўшт тайёрлаш 22 процент, туҳум ҳарид қилиш 24 процент ошди. Бошқача айтганда, республика аҳолисида 65 минг тонна гўшт, 168 минг тонна сут, 260 миллион дона туҳум кўп етказиб берилди. Ҳар сирдан сониб олинганда, сут 370 килограммга етди.

Бундай ўсишга аввало чорвачиликга муносабат яхшилангани, фермаларда бир-

мунча тартиб ўрнатилгани, энг муҳими — мустаҳкам озуқа базаси яратилиши киришларини тўғайли ёришлариди. Сўнгги икки йилда бедазорлар майдони 96 минг гектар кенгайди. Ҳозирги қишлоқ учун қарийб 3 миллион тонна экин хароб бош шартли молга 15,5 центнер озуқа бирлиги тайёрланди.

Лекин очинини айтишимиз керакики, озуқа базасини мустаҳкамлаш имконияти ларида қондарсиз фойдаланилмоқда. Бу соҳада биров яхши ишлатяпти, бошқа биров қўл учинда, истар-истамас, эски-часига иш тутаяпти. Ўзингиз йўлга қаранг: кейинги 10 йилда колхоз ва совхозларда моллар сони 30 процент ошган бир пайтда озуқа етиштириш бор-йўғи 12 процент кўнайди. Қўлпана раҳбарларимизнинг қўлиб кўр-

масликка, биллиб билмасликка олишлари оқибатида баъзи озуқа экинларини жойлаштириш топириқлари бажарилмапти, улар алмашлаб экиш майдонларига киритилмаган ноёб ерларга экилмоқда. Ўтган йили текшириш ўтказилганда 9,5 минг гектарга бундай экинлар экилмай қолганлиги аниқланди. Сирдарё облатидagi тўрт районда 622 гектар, Хоразм облатида 1,042 гектар озуқа экинлари майдон қўлиб ёзилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундай масъулиятсизлик, алдамчилик, қўзғабумачиликка йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида жиддий оғохлантирган эди. Бугун биз бунга яна бир қарра такорлаймиз ва колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари озуқа экинлари

ни тўғри жойлаштиришга, уларнинг ўз вақтида, сифатли экилишини таъминлашга жавабгор эканликларини эслатамиз.

Республикада ҳар гектардан 80 центнер озуқа бирлиги етиштириш учун ҳамма имконият бор. Лекин ўтган йили бу кўрсаткич 50 центнердан ошмади, беда личани ҳосилдорлиги 110 центнер, силосбот макнажўхори 198 центнер, илдимева экинлар 345 центнер бўлди, холос.

Айрим облатларда бу соҳадаги аҳвол янада ёмон. Қорақалпоғистон АССРда ҳар гектардан олинган озуқа бирлиги 23 центнердан, Жиззах облатида 37, Қашқадарёда 39, Сирдарё ва Хоразмда 42 центнердан ошмади.

(Давоми 3-бетда).

АҲОЛИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТГА, САНОАТНИНГ ХОМ АЎНАТГА, ТАЛАБЛАРИНИ ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРАЙЛИК

ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИГА—МУСТАҲКАМ БАЗА

(Боши 1- ва 2-бетларда).

Ҳар гектардан 150—200 центнер беда пичани етиштиришга қўлайликлар йўқ эмас, аммо уларнинг сони кўпаймаётди. Ўтган йилгидек қўлай шароитда Коммунистик районидagi Усмон Юсупов номи совхозда эски бевосилоларнинг гектаридан атиги 33 центнер, Шеробод районидagi «Гулiston» совхозиди 44, Паркентдagi «Гулбоғ» совхозиди 50, Илчиқ районидagi Хамид Олимжон номи совхозда 55, Бойдоқ районидagi «Галаба» совхозиди 63, Чуст районидagi «Ўзбекистон» колхозиди 65 центнер беда пичани олиниди, холос.

Бунақа ишларнинг кераги йўқ. Район партия комитетлари, РАПОлар озуғача нисбатан бепарво раҳбарлар билан дурустроқ таллашиб кўйишлари керак, ақл ҳолда беғамлик дарди кучайиб кетиши мумкин.

Сизларга маълумки, «Озуқа» деб номланган махсус программада сугорилган майдонлардан самарали фойдаланиш, гектар ҳосилдорлигини 100—120 озуқа бирлиги даражасига етказиш йўллари муфассал белгиланган. Шунингдек ҳар гектардан 135 центнер беда пичани, 450 центнер маккажўхори кўкюяси, 500—600 центнердан илдимева етиштириш ёки бундай оғиналар ҳосилини 1,4—2,2 баравар кўпайтириш кўзда тутилган.

Илгор ҳўжаликлар тажрибаси бу марраларни бемаъл эгаллаш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Балиқчи районидagi «Пахтакор», Ленинград районидagi «Социализм», Каттақўрғон районидagi Ленин номи, Вобекент районидagi Калинин номи, Янгияриқ районидagi «Коммунизм», Наманган районидagi Ленин номи колхозларда ўтган йили ҳар гектардан 200 центнер, ҳатто бундан ошириб беда пичани олиниди. Калинин районидagi «Иваново», Москва районидagi «Правда», Тўрақўрғон районидagi «Ўзбекистон» колхозларида гектар бошига етиштирилган илдимева 1.000 центнердан ошди.

Бундай пешқадамларнинг ўси услубини ўрганиш, имониятлардан умумий фойдаланиш йўли билан емиш тайёрлаш 19 миллион тонна озуқа бирлигига етказиш ёки 1985 йилдигидан 1,5 баравар ошириш, шу тарихда планлаштирилган микдорда махсулот етиштиришга эришиш мумкин. Ана шундай йўл тутиш зарурлигини яна бир сабаби давлат ресурсларидан берилган омикта-ом хаммининг кейинги йилларда тобора қисқараётганидир. Ҳар бир колхоз ва совхоз ўзи учун еш ишлаб чиқариш чорасини кўрмоғи, чорва моллари эҳтиёжини қондириш йўлини қидирмоғи керак.

Моллар парварчили, уларни сақлаш масалаларида ҳам жиддий камчиликлар рўй бермоқда, бу соҳада тартиб ўрнатиш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Молларни бўрдоқча боқувчи ҳўжаликларга корхоналарга бўлган муносабатини тубдан ўзгариштириш зарурлигига ҳам эътиборларингизни қаратмоқчиман. Бу ишни марказлаштирилмасдан, бурдоқчиликда илгор технологияни қўлланмасдан турб молларнинг жадал семиртириш, озуқани текаб-тергаб сарфлашга эришиш мумкин эмас. Фақат ихтисослаштириш ва концентратлаш йўли билан таъминлашга эришиш мумкин эмас. Бу уринда Фаргона областидagi ҳўжаликларга корхоналар, Тошкентдagi «Расвет» ва Каттақўрғондagi саноат усулида ишловчи бурдоқчилик комплекси коллективлари тажрибаси бунинг яққол далилидир. Ана шуларнинг тажрибасини ўрганиб кўринг-а, бу соҳада қандай иш тутиш кераклигини ҳис қиласиз, тўғри йўлни дарҳол толасиз.

Ўтган йили ҳўжаликларнинг 632 тасида ёки 35 процентиди гўшт тайёрлаш планлари бажарилмай қолди, улар 38 минг тоннадан кўпроқ гўштни кам етказиб бердилар. 352 колхоз ва совхоз ёки ҳўжаликларнинг 21 процентиди 26 минг тонна сут, 379 ҳўжалик 39 миллион донна туҳум қардор бўлиб қолишган.

Сигирлар махсуддорлиги ҳали ҳам паст. Бу жиҳатдан республикамиз Иттифоқда охириги ўриллардан бирини эгаллаб турибди. Лекин Қорақалпоғистон АССРда ўтган йили ҳар сигирдан бор-йўғи 1.670 килограмм, Қашқадарёда 1.917 килограмм, Хоразм областиди 2.058 килограмм сут соби олиналганини мутлақо қониқарсиз деб ҳисоблаймиз.

Қолоқ ҳўжаликларни илгорлар қаторига етказиш, сигирлар махсуддорлигини ошириш республикамиз шароитида энг катта резерв ҳисобланади. Ўзингиз ўйлаб қарагн, ўртоқлар, колхоз ва совхозларнинг атиги 6 процентиди ҳар сигирдан соби олиналган сут 3.000 килограмдан ошди. Ҳар уч ҳўжаликдан биттаси ўш бош сигирдан ҳатто етмишга бузоқ ололмайдир. Буларнинг

ҳаммаси шунга олиб келмоқдаси, чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқариш суръатлари аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга тўқилмади. Бизда киши бошига йиллик гўшт истеъмол қилиш 30 килограммдан, сут эса 180 килограммдан ошмапти. Бу кўрсаткичлар нормадагидан икки баравар кам.

Қорақўлчиликда покляниш жараёни бошланди. СЖҚдан воз кечилган чўпонлар кайфиятини яхшилади. Лекин бу тармоқдagi аҳвол қониқарсизлигича қолмоқда. Кейинги уч йилда қўй ва эчкилар сони 700 минг бошга камайиб кетди. Қашқадарё областиди бундай моллар сони 288 минг, Қорақалпоғистон АССРда 149 минг ёки 34 процент, Навоий областиди 131 минг бошга қисқарди. Қўйчиликда рентабеллик даражаси қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ҳамма тармоқларидagi қарағанда энг пастлигига қоляпти.

